

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ

Гулнора Норматова

Сурхондарё вилоят ХТХҚТМОҲМ

gnormatova72@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: инновацион дунёқараш, янги андозалар, педагог шахси, коучинг, технология.

ABSTRACT

The article deals with the issues of preparing primary school teachers for innovative professional activity.

Keywords: innovative worldview, new patterns, teacher personality, coaching, technology.

КИРИШ

Маълумки, бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг янгиланган талаблари моҳияти: инновацион касбий фаолиятга тайёрлашга шароит яратиш, тез ўзгарувчан меҳнат мазмуни ва узлуксиз янгиланиб борадиган билимлар зарурати билан боғлиқ.

ҳозирда мамлакатимизда инновацион технологияларга асосланган таълим тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса, бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни орқали ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларга мослаштириш, таълим-тарбияга янги андозаларни жорий этишни тақозо этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Инновацион ёндашувнинг баъзи муаммолари мамлакатимиз педагог олимларидан А.Абдуқодиров, Н.Азизходжаева, Б.Адизов, Н.Сайидахмедов,

Ж.Йўлдошев, Ф.Юзликаев, Р.Джураев, Ш.Мардонов, Ў.толипов, Д.Юнусова, С.Бозорова, М.Жуманиёзова, Ш.Шодмонова, Р.Сафарова, А.Чориев, М.Қуронов, О.Мусурмонова, Б.Фарберман, С.Ғуломов, М.Лутфуллаев, У.Нишоналиевларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган [1].

Адабиётларнинг назарий-илмий таҳлили инновацион жараёни фаоллаштиришга кўмаклашувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини кўрсатди:

таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион имкониятлари;

ишлаб чиқилган комплекс лойиҳалар;

лойиҳалар доирасида ва жараённинг ўзида маслаҳат бериш;

ижтимоий-иқтисодий муҳит;

инновацион жараён иштирокчиларининг улушли вазиятлари [2-4].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бошланғич таълимни педагогик фаолиятининг инновацион муҳити сифатида ўрганиш ўқув дастурлари мазмуни, уни ўқитиш методларидаги янгиликларни чуқур илмий таҳлил қилиш, бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти мазмунини аниқлаш, ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўқитувчи изланувчан, андозалар билан қоникмайдиган шахс сифатида тавсифланади. Барча ҳолатлар учун мажбурий бўлган таълим ва тарбиянинг ягона методикаси мавжуд эмас: ҳар бир ўқитувчи новатор бўлиши, унинг шахсий сифатларига жавоб берадиган ўз ёндашувларини топиши мумкин. Ўқитувчида инновацион фаолият муаммоларини мустақил тушуниб этиш ва инновацион қарорга келишга ижодий имкониятларини долзарблаштириш ва ривожлантириш. Бундай услуб қуйидаги босқичлардан ташкил топган:

1. Мактаб муаммоларини ишлаб чиқиш босқичи, унда ҳар бир иштирокчи, илгаригиларни такрорламай, ўз муаммони тузилишига ҳаракат қилади.

2. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича ғояларни олдинга суриш босқичлари.

3. Жамоатчилик бўлиб биргаликда муҳокама қилиш [5].

Юқорида айтилганидек ўқитувчининг креативлиги ва инновацион муносабати ривожланаётган муҳит таъсири остида шаклланиши керак.

Текширишларга асосланиб, уларга биноан ижодни қандайдир тахлилий вазиятдан ёки мавжуд билим чегарасида чиқиш деб белгилаб, шундай тасдиқлаш мумкин: креатив муаммони шахсий фикрларга тўла долзарб қўйишда ифода этилган чуқур хусусиятдир,

Бу муҳим мақсад ва вазифаларни амалга оширишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, яъни таълим-тарбия жараёни инновацияларни татбиқ этиш орқали ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш, инновацион фаоллигини ошириш ҳамда инновацион жараёнларга қизиқишини ва илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчи инновацион имкониятининг ривожланиш принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

педагог ўз шахсининг кадрлигини тан олиши,
“ўзлигини” инновацион тушуниш, компенсация;
индивидуаллаштириш;
зиддиятчилик,
ахлоқий боғлиқлик,
креатив илҳомланиш,
рефлексия [6].

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз касби учун мумкин бўлмаган қуйидаги шахсий сифатларни енгади: апатия, болаларни ўқитиш ва тарбиялашдаги расмиятчилик, уларга ва уларнинг тақдирларига бефарқлик, жиззакилик, энгилтаклик, қарорларни қабул қилишда, хулқ-атвордаги шошқалоқлик ва ўйламаганлик. Бу шахсий сифатлардан халос бўлишда коучинг сессиялари ва супервизия методикаларини ёрдам беради.

Демак, бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни амалий ишда инобатга олиш бир томондан, мажбурий ҳисобланади; иккинчи томондан, уларни билиш ўқитувчига инновацион йўналишлар ва технологиялар кўринишларини тушуниш; ўзи учун шахсий индивидуал иш методини излаш учун ва аниқ инновацион педагогик фаолият майдонини аниқлаш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги юзасидан қуйидаги амалга ошириш зарурдир:

бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга оид янги авлод ўқув-методик адабиётларни яратиш;

бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича вебинар технологиялари, маҳорат дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда коучинг сессиялари ва супервизия методикаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса, умумтаълим тизими компонентлари сифатида мустақил таълим ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари самарадорлигини ўрганиш ва такомиллаштириш, тизим бошқарувида объектлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, инновацион жараёнларни амалга оширувчи субъектларнинг функционал вазифаларини аниқлаш ва такомиллаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва самарадорликни таъминлашга йўналтирилган, янгиланган, мукамал бошқарув структурасини шакллантириш ва инновацияларни тадбиқ этишда барқарорликни таъминловчи воситаларни танлаш лозим.

REFERENCES

1. Азизова Г.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш (инглиз тили материаллари мисолида) 13.00.01 – “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2019.
2. Бекмурадов А.Ш, Голиш Л.В и др. Современные технологии обучения.- Т.: ТГЭУ, 2009 г.
3. Гаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
4. Третьяков П.И., Сенновский И.Б. Технология модульного обучения в школе: Практико-ориентированная монография /Под ред. П.И. Третьякова. М.: Новая школа, 2001. - 352 с.
5. Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспрес қўлланма. -Т. 2001. ТАСИС лойихаси..
6. Умаров Б. “Қуёшга йўл ёхуд эртанги тамаддун қайғулари”. Илмий мақола. // “Замонавий таълим”//. 2014. 6 – сон, – 45– 49 б.